# XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

**Навоий вилояти ва ҳудудларнинг ташкил топган йиллари ҳамда уларнинг марказлари**

| | *Ташкил топган йил* | *Вилоят ва туман, шаҳарлар марказлари* | *Ер майдони, минг. кв. км* |
|---|---|---|---|
| **Навоий вилояти** | **27.01.1992 й.** | **Навоий ш.** | **111,1** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Навоий | 1958 й | Навоий ш | 0,06 |
| Зарафшон | 1972 й | Зарафшон ш. | 0,02 |
| *туманлар:* | | | |
| Кармана | 09.09.1926 й | Кармана ш-ча. | 0,94 |
| Конимех | 29.12.1965 й | Конимех ш-ча. | 9,25 |
| Қизилтепа | 07.12.1970 й | Қизилтепа ш. | 2,19 |
| Навбаҳор | 12.03.1980 й | Бешработ қ.а.п. | 1,57 |
| Нурота | 29.09.1926 й | Нурота ш. | 6,53 |
| Томди | 03.07.1927 й | Томдибулоқ ш-ча. | 42,49 |
| Учқудуқ | 25.03.1982 й | Учқудуқ ш. | 46,63 |
| Хатирчи | 03.12.1964 й | Янгиработ ш. | 1,42 |

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1009,3 минг кишини ташкил этди ва йил бошидан 12239 кишига ёки 1,2 фоизга кўпайди.

**Доимий аҳоли сони**[1)]

*(2020 йил 1 октябрь ҳолатига бирликда)*

| | Жами аҳоли | шу жумладан: | | 1 кв. км га тўғри келадиганлар сони |
|---|---|---|---|---|
| | | шаҳар аҳолиси | қишлоқ аҳолиси | |
| **Жами** | **1009339** | **493566** | **515773** | **9,1** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Навоий | 146082 | 146082 | - | 2435,0 |
| Зарафшон | 84769 | 84769 | - | 4240,0 |
| *туманлар:* | | | | |
| Кармана | 127369 | 42175 | 85194 | 135,5 |
| Конимех | 36028 | 16416 | 19612 | 3,9 |
| Қизилтепа | 153402 | 48669 | 104733 | 70,0 |
| Навбаҳор | 114281 | 16455 | 97826 | 72,8 |
| Нурота | 93632 | 55499 | 38133 | 14,3 |
| Томди | 14978 | 4769 | 10209 | 0,4 |
| Учкудук | 37579 | 32880 | 4699 | 0,8 |
| Хатирчи | 201219 | 45852 | 155367 | 141,7 |

[1)] дастлабки маълумот

**Доимий аҳоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши, % да**

*(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)*




**Аҳолининг табиий ҳаракати 2020 йил январь-сентябрь ойларида**

| | *киши* | | | *ҳар 1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ***2019*** | ***2020 [1)]*** | ***фарқи, (+, -)*** | ***2019*** | ***2020 [1)]*** |
| Туғилганлар | 16789 | 17611 | 822 | 22,8 | 23,4 |
| Никоҳлар | 6210 | 5822 | -388 | 8,4 | 7,8 |
| Ажралишлар | 685 | 669 | -16 | 0,9 | 0,9 |

[1)]дастлабки маълумот

**Ҳар 1000 аҳолига нисбатан табиий ҳаракати**




**Туғилиш даражаси.** 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида туғилганлар сони 17611 кишини ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига (16789 киши) нисбатан 822 тага ошган. Туғилиш коэффициенти мос равишда 23,4 промиллени ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 промиллега ошганлигини (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 22,8 промилле бўлган) кўрсатмоқда.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навоий шаҳрида (21,4 дан 22,3 промиллега), Зарафшон шаҳрида (21,0 дан 23,1 промиллега), Конимех (20,5 дан 22,2 промиллега), Қизилтепа (21,1 дан 21,2 промиллега), Нурота (23,4 дан 25,9 промиллега), Томди (13,1 дан 15,7 промиллега), Учқудуқ (24,5 дан 25,9 промиллега), Хатирчи (25,2 дан 25,7 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навбахор туманида (22,6 дан 22,3 промиллега), камайганлиги кузатилди.

**Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**
*(Январь-сентябрь ойларида, бирлик)*

| | Тузилган никоҳлар | | Никоҳдан ажралишлар | |
|---|---|---|---|---|
| | 2019 | 2020 [1)] | 2019 | 2020 [1)] |
| **Жами** | **6210** | **5822** | **685** | **669** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Навоий | 847 | 860 | 140 | 144 |
| Зарафшон | 479 | 321 | 80 | 76 |
| *туманлар:* | | | | |
| Кармана | 905 | 811 | 99 | 107 |
| Конимех | 171 | 133 | 32 | 24 |
| Қизилтепа | 880 | 872 | 72 | 84 |
| Навбаҳор | 731 | 816 | 65 | 76 |
| Нурота | 605 | 599 | 33 | 34 |
| Томди | 54 | 34 | 3 | 6 |
| Учкудуқ | 199 | 144 | 37 | 17 |
| Хатирчи | 1339 | 1232 | 124 | 101 |

[1)]дастлабки маълумот

**Вилоят бўйича тузилган никоҳларда ҳудудларнинг улуши, % да**




**Вилоят бўйича никоҳдан ажралишларда ҳудудларнинг улуши**



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФҲДЁ органларида 5822 та никоҳлар ва 669 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,8 промиллега никоҳ (2019 йилнинг тегишли даврида 8,4 промиллега) ва 0,9 промиллега ажралишлар (2019 йилнинг тегишли даврида 0,9 промиллега) тўғри келди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Навоий шаҳар (8,3 дан 7,9 промиллега), Зарафшон шаҳар (7,7 дан 5,1 промиллега), Конимех (6,5 дан 5,0 промиллега), Қизилтепа (7,8 дан 7,6 промиллега), Кармана (9,4 дан 8,6 промиллега), Томди (5,0 дан 3,1 промиллега), Учкудук (7,2 дан 5,1 промиллега), Хатирчи (9,1 дан 8,2 промиллега), туманларида камайганлиги кузатилди.

Тузилган никоҳлар вилоятнинг Навбаҳор (8,8 дан 9,6 промиллега), Нурота (8,8 дан 9,3 промиллега туманларида ошгани кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Навбаҳор (0,8 дан 0,9 промиллега), Томди (0,3 дан 0,5 промиллега), Кизилтепа (0,6 дан 0,7 промиллега ), Кармана (1,0 дан 1,1 промиллега туманларида ошгани кузатилди.

Никоҳдан ажралганлар вилоятнинг Навоий шаҳар (1,4 дан 1,3 промиллега) Зарафшон шаҳар (1,3 дан 1,2 промиллега), Конимех (1,2 дан 0,9 промиллега), Учқудуқ (1,3 дан 0,6 промиллега), Хатирчи (0,8 дан 0,7 промиллега) туманларида камайганлиги кузатилди.

**Туғилганлар сони**
*(Январь-сентябрь ойларида 1000 аҳоли сонига)*

| | *Туғилганлар* | | *ҳар 1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | ***2019*** | ***2020*** [1)] | ***2019 й.*** | ***2020 й.*** [1)] |
| **Жами** | **16789** | **17611** | **22,8** | **23,4** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Навоий | 2194 | 2420 | 21,4 | 22,3 |
| Зарафшон | 1301 | 1455 | 21,0 | 23,1 |
| *туманлар:* | | | | |

[1)] дастлабки маълумот

| | *Туғилганлар* | | *ҳар 1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | ***2019*** | ***2020*** [1)] | ***2019 й.*** | ***2020 й.***[1)] |
| Кармана | 2369 | 2323 | 24,5 | 24,5 |
| Конимех | 540 | 595 | 20,5 | 22,2 |
| Қизилтепа | 2369 | 2426 | 21,1 | 21,2 |
| Навбаҳор | 1887 | 1895 | 22,6 | 22,3 |
| Нурота | 1605 | 1754 | 23,4 | 25,9 |
| Томди | 142 | 174 | 13,1 | 15,7 |
| Учқудуқ | 680 | 724 | 24,5 | 25,9 |
| Хатирчи | 3702 | 3845 | 25,2 | 25,7 |

**Аҳолининг табиий ҳаракати 2020 йил январь-сентябрь ойларида**
*(Ҳар 1000 аҳолига)*



## Вилоят бўйича кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони

*(январь-сентябрь ойларида бирлик)*

| | *Кўчиб келганлар* | | *Кўчиб кетганлар* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2019* | *2020* | *2019* | *2020* | *2019* | *2020* [1)] |
| **Жами** | **7914** | **5119** | **8510** | **6593** | **-596** | **-1474** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Навоий | 2033 | 1906 | 2351 | 1757 | -318 | 149 |
| Зарафшон | 1073 | 500 | 1215 | 707 | -142 | -207 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Кармана | 1729 | 796 | 869 | 778 | 860 | 18 |
| Конимех | 384 | 255 | 472 | 232 | -88 | 23 |
| Қизилтепа | 482 | 331 | 517 | 465 | -35 | -134 |
| Навбаҳор | 585 | 362 | 447 | 402 | 138 | -40 |
| Нурота | 315 | 198 | 481 | 465 | -166 | -267 |
| Томди | 238 | 237 | 221 | 63 | 17 | 174 |
| Учкудуқ | 359 | 183 | 901 | 401 | -542 | -218 |
| Хатирчи | 716 | 351 | 1036 | 1323 | -320 | -972 |

## Вилоят бўйича кўчиб келганлар сони

*(январь-сентябрь ойларида бирлик)*



**Вилоят бўйича кўчиб кетганлар сони**
*(январь-сентябрь ойларида бирлик)*




**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 5119 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6593 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 1474 кишига (2019 йилнинг шу даврида манфий 596 киши) тенг бўлди.

Вилоят ҳудудида миграция қолдиғи, Зарафшон шаҳрида (манфий 207), Қизилтепа (манфий 134), Навбаҳор (манфий 40), Нурота (манфий 267), Учқудуқ (манфий 218), Хатирчи (манфий 972) туманларида камайиш кузатилди.

Вилоят ҳудудида миграция қолдиғи Навоий шаҳри (149 кишига) ,Кармана (18 кишига), Конимех (23 кишига), Томди (174 кишига) туманларида ошгани кузатилди.

## XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Иш ҳақи.** 2020 йил январь-сентябрь ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда. Вилоятда ўртача ойлик иш ҳақи 3 418,2 минг сўмни ташкил этган ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Учқудуқ туманида 5 067,4 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 148,2 фоиз), Зарафшон шаҳрида 4 832,5 минг сўмни (141,4 фоиз) ташкил этган бўлса, Қизилтепа туманида 1 670,8 минг сўмни (48,9 фоиз), Хатирчи туманида 1 755,8 минг сўмни (51,4 фоиз), Нурота туманида 1 748,2 минг сўмни (51,1 фоиз), Навбаҳор туманида 1 792,0 (52,4 ) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи* (минг сўмда)**

| | *2019 йил* | *2020 йил* | *2019 йил январь-сентябрга нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **2 845,6** | **3 418,2** | **120,1** |
| Навоий ш. | 2 981,4 | 3 593,7 | 120,5 |
| Зарафшон ш | 3 928,4 | 4 832,5 | 123,0 |
| Кармана | 1 954,8 | 2 636,5 | 134,9 |
| Конимех | 2 506,2 | 2 864,8 | 114,3 |
| Қизилтепа | 1 465,8 | 1 670,8 | 114,0 |
| Навбаҳор | 1 757,4 | 1 792,0 | 102,0 |

| | 2019 йил | 2020 йил | 2019 йил январь-сентябрга нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| Нурота | 1 650,8 | 1 748,2 | 105,9 |
| Томди | 1 834,3 | 2 083,6 | 113,6 |
| Учқудуқ | 3 993,6 | 5 067,4 | 126,9 |
| Хатирчи | 1 550,5 | 1 755,8 | 113,2 |

**)Қайта ҳисобланган, кичик тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз.*

2020 йил январь-октябрь ойларида Навоий вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 120,1 % ни ташкил этиб, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори суръатлари Кармана тумани 134,9 %, Учқудуқ тумани 126,9, Зарафшон шахри 123,0, Навоий шахри 120,5 %, Конимех тумани 114,3%, Қизилтепа тумани 114,0 %,Томди тумани 113,6 %, Хатирчи туманида 113,2 %, Нурота тумани 105,9 % ва Навбахор тумани 102,0 га ўсгани кузатилди.

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(2019 йил январь-сентябрга нисбатан, % да)*



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

*(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

| | *Январь-сентябрь* | | *Вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2019 йил* | *2020 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
| **Жами вилоят бўйича:** | **2 845,6** | **3 418,2** | **128,5** | **120,1** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| Саноат | 3 849,6 | 4 726,9 | 135,3 | 138,3 |
| Қурилиш | 3 699,2 | 4 009,5 | 130,0 | 117,3 |
| Савдо | 2 310,4 | 2 573,2 | 81,2 | 75,3 |
| Ташиш ва сақлаш | 1 711,6 | 2 172,5 | 60,1 | 63,6 |
| Ахборот ва алоқа | 2 071,7 | 2 528,4 | 72,8 | 74,0 |
| Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик | 4 149,1 | 5 462,7 | 145,8 | 159,8 |
| Таълим | 1 760,8 | 1 908,6 | 61,9 | 55,8 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1 440,0 | 1 778,2 | 50,6 | 52,0 |
| Бошқа фаолият турлари | 2 184,4 | 2 704,4 | 76,8 | 79,1 |

Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари молия ва суғурта фаолиятида (131,7 %), Ташиш ва сақлаш (126,9 %), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда (123,5 %) саноатда (122,8 %), Ахборот ва алоқада (122,0 %), савдода (111,4 %),қурилишда (108,4 %), Таълимда (108,4 %), ва бошқа йўналишлар (123,8 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келди.

**Саноат соҳасида** 34 та корхонада 74 002 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 46,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 3 148 198,7 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4 726,9 минг сўмни;

**Таълим соҳасида** 688 та корхонада 40 176 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 25,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 690 116,9 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1908,6 минг сўмни;

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида** 44 та корхонада 17 073 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 10,7 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 273 231,1 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 778,2 минг сўмни;

**Савдо соҳасида** 12 та корхонада 1401 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,9 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 32 446,1 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақ 2 573,2 минг сўмни;

**Қурилиш соҳасида** 9 та корхонада 4390 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,8 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 158 417,1 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4 009,5 минг сўмни;

**Ахбарот ва алоқа соҳасида** 9 та корхонада 674 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,4 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 15 337,4 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 528,4 минг сўмни;

**Ташиш ва сақлаш соҳасида** 14 та корхонада 1785 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,1 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 34 901,0 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 172,5 минг сўмни;

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида** 45 та корхонада 2104 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 103 442,1 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5 462,7 минг сўмни;

**Бошқа фаолият турлари соҳасида** 889 та корхонада 16306 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 10,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 396 876,4 млн. сўмни, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 704,4 минг сўмни ташкил этди.